

ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ПАРАДИГМАДА КЎЧИМЛАР ТАСНИФИГА ДОИР

*Профессор Ш.Ж.Шомуродова
СамДЧТИ*

Аннотация. Мақолада тилнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва сўз тушунчасининг аниқ таърифини белгилаш муаммоси муҳокама қилинади. Тилшуносликда сўзга берилган турли таърифлар таҳлил қилиниб, Ф. де Соссюр, Ш. Балли ва бошқа олимларнинг қарашлари келтирилган. Кўчимларнинг (метафора, метонимия, синекдоха ва бошқалар) турли таснифлари ва уларнинг семантик-структурал хусусиятлари кўриб чиқилади. Шунингдек, замонавий тилшуносликда кўчимлар ҳақидаги фикрлар хилма-хиллиги, уларни таҳлил қилишнинг когнитив ва прагматик жиҳатлари ёритилади. Мақолада кўчимларнинг ижтимоий борлиқни ифода этишдаги аҳамияти ва бадий услубдаги ўрни ҳақида ҳам сўз боради.

Калит сўзлар: *тил, сўз, маъно кўчиши, метафора, метонимия, синекдоха, истиора, когнитив лингвистика, прагматика, неориторика, бадий услуб.*

Тил миллат кўзгуси сифатида жамият тараққиётида ўзига хос ўрин тутди. Маълум бир тилнинг ривожланиши у амал қилаётган жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Ҳар қандай тил лексик бирликлардан ташкил топган тизим сифатида бир бутунликни касб этади. Таниқли рус тилшуноси А.Реформатский таъкидлаганидек, “Сўз энг аниқ тил бирлиги саналади” [3, 59]. Бинобарин тил алоқа воситаси сифатида авваламбор, сўзлардан ташкил топади. Аммо сўзларнинг лексик, грамматик, концептуал, фонетик ва бошқа хусусиятларини инобатга олинадиган бўлса, унга нисбатан бир қолипга солинган тизимли таърифни қўллаш мумкин бўлмай қолади. Ушбу хусусиятга таянган ҳолда Ф.де Соссюр “Сўз тушунчасини тилнинг маълум бир бирлиги ҳақидаги фикр қарашларимизга мос келмайди” деган фикрлари билан тилнинг моҳиятан аниқ бирлигини сўз мисолида талқин этиш хато эканлигини XX аср бошларида таъкидлаб ўтган [4, 107]. Ш.Балли фикрига кўра, “Сўз тушунчаси аниқ ҳисобланади, аммо аслида бу тилшуносликдаги энг ноаниқ тушунчалардан бири ҳисобланади” [1, 315].

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда, сўз тушунчасини турли нуқтаи назарлардан талқин этилса, унга нисбатан аниқ бир таърифни бериш мумкин бўлмайди. Сўзга таъриф беришда мураккаб тизимни юзага келтирувчи энг асосий омиллардан бири бу сўзнинг асл маъноси ва кўчма маъноси ўртасидаги номувофиқликлар саналади. Сўзнинг ушбу хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кўп луғатларда унинг кўчма маъноси ёки маънолари акс эттирилсада, кўчимлар алоҳида қайд этилмайди.

Кўчимларни изчил таҳлил этиш билан боғлиқ қарашлар замонавий тилшуносликнинг турли жабҳалари билан узвий боғлиқ тарзда кечади. Агар прагматика учун инсонларнинг ижтимоий муҳитдаги фаолияти принципларини факт, мақсад сифатида ўрганиш лозим бўлса, когнитив лингвистика учун эса – фрейм (М.Минский), когнитив модель (Дж.Лакофф), ментал борлиқ (Ж.Фоконье) ва ҳоказоларни тадқиқ этиш ва тушуниш муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда тилшунослар орасида кўчим ва кўчим турлари хусусидаги фикрларда яқдиллик кузатилмайди. Рус тадқиқотчиларининг баъзилари ҳосила маънонинг юзага келишига кўра кўчим турларини учга яъни метафора, метонимия ва вазифадошликка асосланган кўчим турларига ажратишган (Н.Шанский, Д.Шмелёв). Баъзи тадқиқотчилар кўчимларни классификация қилишнинг умуман мураккаб тизимини ишлаб чиқишган. Уларга кўра, кўчимлар икки гуруҳга бўлинади:

1. Сўзларга асосланган кўчимлар;
2. Гап кўчимлари.

Сўзларга асосланган кўчимларга метафора, метонимия, антономазия, ономотопия (товушга тақлид сўзлар), синекдоха, катахреза ва металеписис ларни киритишган.

Олимларнинг фикрига кўра, сўзларга асосланган кўчимлар матн таркибида маъно-мазмун ифодасини кучайтиришга хизмат қилади.

Гап кўчимлари гуруҳига эпитет, киноя, аллегория, эмфаза, перифраза, гиперболола, литота, эвфемизмлар киритилган ҳамда улар гап мазмунини бойитишга хизмат қилади деган фикрлар илгари сурилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кўчимлар ва кўчимлар турларни ўрганиш бўйича назариялар тарихи Цицерон, Аристотел, Деметрий, Квинтилиан даврларига бориб тақалсада, уларни кенг миқёсда тадқиқ этиш нисбатан яқинда яъни XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Р.Якобсоннинг метафора ва метонимияни қиёслаган ҳолда ўтказган тадқиқоти натижаси ўлароқ кўчимларни семантик-структурал ўрганишга бўлган янги ёндошувлар юзага келди. Мазкур ёндошувлар асосида Европа олимларининг неориторика хусусидаги ишлари туради. Бу соҳада Х.Парельман, Р.Барт, Цв.Тодоров, Ж.Коен, Ж.Женетт, П.Куенц ва бошқаларнинг ишлари ахамиятга молик саналади. Неориторикага бағишланган мазкур тадқиқотлар кўчимлар структурасига ва келиб чиқишига умуман ўзгача ёндошувни келтириб чиқарди. Бинобарин, улар томонидан кўчимларни фақат уч турга бўлган ҳолда ўрганиш (метафора, метонимия, синекдоха) таклиф этилди. Масалан, Цв.Тодоров асосий кўчим сифатида синекдохани кўрсатди ва унинг мазмунан иккига бўлиниши метафорани келтириб чиқаради деган ғояни илгари сурди. Ж.Дюбуа ҳам синекдохани асос кўчим сифатида кўрсатиб, ундан метафора ва метонимия шаклланади деган таклифни илгари сурди. Италиялик тадқиқотчи У.Эко асосий кўчим сифатида метонимияни тан олди. Н.М.Шанский маъно кўчишини учга: ўхшашлик яъни метафора; ёндошлик-метонимия ҳамда вазифадошликка ажратиб кўрсатади. Д.Н.Шмелев ҳам Н.М.Шанскийга ўхшаб уни уч кўринишга ажратади. Аммо у синекдоха ҳодисасини ҳам қайд этгани ҳолда, метонимиянинг бир кўриниши сифатида талқин этади. А.А.Реформатский маъно кўчишини тўғридан тўғри тўрт кўринишда деб бергани ҳолда синекдохани алоҳида ҳодиса сифатида тан олади [3, 59].

Шунга кўра, метонимия, метафора, истиора каби кўчимларнинг яратилиши шаклан қатъий қоидаларга бўйсунган бўлсада, мазмунан уларда ижтимоий борлик тараққиётининг инсон шуурига қилган таъсир кучи яққол сезилади. Буни инсон фаолиятининг бадий тажрибаларини анъанавий йўсинда ифода этишдан чекиниш тарзида кўриш мумкин. Кўчимларни шакллантиришда ижтимоий муаммоларни ифодалаш билан биргаликда инсон ҳаётининг деярли барча жабҳаларини кенгроқ миқёсда акс эттириш ва тасвирлашга интилиш кўпроқ поэтик ва бадий услубларга хос саналади. Кўчимларнинг ушбу жиҳатлари бадий асар концептида юқори эстетик кўринишни ҳосил қилади. Эстетик кўринишнинг янгича тимсоллар билан бойитилиши истиораларда яққол намоён бўлади. Метонимия ва истиоралар, метафорадан фарқли тарзда, матн мазмунида драматик жиҳатлар тасвирининг кучайишини юзага келтиради.

Адабиётлар рўйхати

1. Балли Ш. Общая лингвистика. М.1955,с.315
2. Маслова В.А. Лингвокультурология.-М.: Изд.центр. Академия, 2001.-208с.
3. Реформатский А. А. Введение в языковедение: Учебник для вузов/ Под ред. В. А. Виноградова. — 5-е изд., испр. — М.: Аспект Пресс, 2004. — С.59
4. Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике. - М.: Прогресс, 1990. - 275 с.
5. Шанский Н.М. В мире слов. Пособие для учителей. Издание 2-е, исправленное и дополненное. Москва: «Просвещение», 1978.
6. Шмелев Д.Н. Избранные труды по русскому языку .— Москва : Яз. славян. культуры, 2002. — 887 с.
7. Jahonovna S. S. FEATURES OF SEMANTIC AND STYLISTIC TRANSFORMATIONS OF STABLE WORD COMBINATIONS //International Journal of Early Childhood Special Education. – 2022. – Т. 14. – №. 7.
8. Якобсон. Р. О. Московский лингвистический кружок [Электронный ресурс]. URL: https://rvb.ru/philologica/03rus/03rus_jakobson.htm

9. Khalilova Lenie Fevziyevna. (2021). CRITICAL THINKING AS ONE OF THE SKILLS DEVELOPED THROUGH THE DIALOGUE OR CONVERSATION. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2(02), 37–46. Retrieved from <https://mentaljournal-jspu.uz/index.php/mesmj/article/view/72>
10. Buronova, D. (2024). Yovvoyi tabiatning tiklanishi: Ernest Seton-Tompsonning “Lobo” va “Yovvoyi yo‘rg‘a” asarlari tahlili. *Conference Proceedings: Fostering Your Research Spirit*, 101-102. <https://doi.org/10.2024/6wn80p81>
11. Umida K. The Role of Teaching Compounds According to Types of Speech in Constructivism // *Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching*. – 2022. – T. 8. – С. 4-9.
12. Шомуродова, Ш. (2018). Роль инновационных технологий в широкомасштабной реформации образовательного процесса. *Иностранная филология: язык, литература, образование*, 3(2) (67), 30–33. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/foreign_philology/article/view/734
13. Khayrullaev, K. Z. (2001). The relation of word, word composition and sentence to the predicativeness. Abstract of candidate dissertation.–Tashkent.
14. Хайруллаев, Х. (2002). Предикативлик ходисаси ва унинг ифода объектлари.
15. Хайруллаев, Х. (2009). О лингвистической природе уровней языка и речи. *Вопросы филологических наук*, (2), 78-79.